

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ИНСОНЛАРГА ЯНАДА КЕНГ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш, ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда оила муҳтида камол топиш фарзанднинг узвий ҳуқуқи эканлиги белгиланган. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра дунёда етим болаларнинг ярми ижтимоий ҳимоя хизматлари билан қамраб олинмаган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 сентябрдаги Фармони билан қабул қилинган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш вазифалари ҳам белгиланган.

Шунга мувофиқ бундай болаларни тарбияга бериш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, болани тарбияга беришда оила муҳитини сақлаб қолишга устуворлик берилади. Бунда, аввало, васийлик, ҳомийлик ёки фарзандликка бериш қўллаб-қувватланади. Иختисослаштирилган муассасага энг сўнгги чора сифатида жойлаштирилади.

Фарзандларни оиланинг камбағаллиги туфайли Меҳрибонлик ва Болалар уйларига жойлаштириш амалиёти бекор қилинади. Камбағал оила вакиллари ишга жойлашган тақдирда, боласи уч ёшга тўлгунча богча харажатлари учун Ижтимоий ҳимоя жамғармасидан компенсация берилади.

Болалар уйларида “Оналар маскани” ташкил этилиб, унда боласидан воз кечмоқчи бўлган оналар жойлаштирилади. Уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва tibбий хизматлар кўрсатилади, оналик кўникмалари ўргатилади ҳамда касб эгаллашига кўмаклашилади.

Бу каби хизматларни ташкил қилишда нодавлат ташкилотлари ҳам кенг жалб қилинади.

Оғир ҳаётий вазиятга тушган болалар тарбияга берилгунига қадар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан оилавий болалар уйига жойлаштирилади. Тарбияга бериладиган болалар учун индивидуал ривожланиш режаси ишлаб чиқилади.

Етим болаларни аниқлаш, уларни тарбияга олиш истagini билдирган шахслар маълумоти “Ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида юритилади. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари болаларнинг қонуний вакили этиб белгиланади ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, бу марказлар тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитини, ёрдамларнинг мақсадли ишлатилишини ва тарбияга олган шахслар мажбуриятларини мониторинг қилиб боради.

Оилавий болалар уйини ташкил этган фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида белгиланади. Тўтинган оилаларда тарбияланаётган болаларга умумий ўрта ва ўрта махсус таълимини тугатгунича яшаш ва парваришлаш харажатлари тўланади.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, шу соҳада яна бир ҳужжат — “Болаларни ўзравонлигининг барча шаклларидаан ҳимоя қилиш тўғрисида” қонун маъқуланган. Унда бу борадаги ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, болаларни ўзравонликдан ҳимоя қилувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгиланган. Президентимиз ушбу қонунни имзолади.

Тақдиротда ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга қаратилган таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Юртимизда 19 та параспорт тури билан шуғулланишга шароит яратилган. Ногиронлиги бўлган 25 минг нафар шахс спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда. Хусусан, давлат спорт мактабларида адаптив спорт бўйича гуруҳлар ташкил этиш, маҳаллалардаги майдончаларни ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам мослаштириш таклиф этилмоқда.

“ERP-sport” электрон тизимида ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида ҳисобини юритиш орқали уларнинг имкониятига мос спорт турлари автоматик аниқланади.

Реабилитация марказларида жисмоний терапия, механотерапия, физиотерапия каби замонавий реабилитация усулларини қўллаш кенгайтирилади.

Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашга ҳам эътибор қўйилди. Бу йўналишда халқаро мусобақаларда ғолиб бўлганлар ҳамда уларнинг мураббийларини моддий рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис юртимизда кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш орқали уларнинг эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратишга янада эътибор қўйилди. Натижада тадбиркорлик ривожланиб, ишлаб чиқариш кўпайди.

Фикр

Соҳага доир қабул қилинган қўллаб қўллаш, Фармон, қарорлар ва уларда белгиланган имтиёзлар янги тадбиркорлик субъектларининг кўпайишига, аввалдан ишлаётганларининг эса фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИШКЕККА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Қирғизистонга келди.

«Манас» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳмаси Раиси Ақилбек Жапаров ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташриф доирасида 6 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этади.

Саммит кун тартибидан ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари ўрин олган. Ҳар доимгидек, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвес-

тициявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш вазифалари эътибор марказида бўлади.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди. Ўйғилиш якунида қатор қўшма қарор ва ҳужжатлар, жумладан, мамлакатимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Туркий дунё Хартияси қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ў.А.



Ўзбекистон — Туркий давлатлар ташкилоти: Ягона ўтмиш ва умумий келажак

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) саммити тадбирларида иштирок этиш учун Бишкек шаҳрига ташриф буюрди.

Туркий давлатлар ташкилотига бешта давлат — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо ҳисобланади. Венгрия, Туркменистон ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ушбу тузилмада кузатувчи мақомига эга.

Ҳамкорлик

“Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро инсти-тутлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда, — деганди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йили Остона шаҳрида бўлиб ўтган ТДТ саммитидаги нутқида. — 175 миллион аҳолини қамраб олган ташкилотимиз ҳудуди катта иқтисодий имкониятлар макони ҳамдир. Бизнинг мамлакатимиз ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқалари ўрнат-

ганини катта мамнуният билан ай-тиб ўтмоқчиман”.

Эслатиб ўтамиз, Туркий давлатлар ташкилотининг амалдаги номи Ўзбекистон Президенти таклифи билан 2021 йил 12 ноябрда татбиқ этилган. Бундан аввал эса тузилма Туркий давлатлар ҳамкорлик Кенгаши номи билан юри-тилган.

Бугунги кунда ТДТ барча устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали халқаро тузилмага айланди. Ташкилот дав-

латларининг умумий ялпи ички маҳсулоти 1,6 триллион долларни ташкил этади ва 2024 йил охирига бориб туркий давлатлар иқтисодиёти 1,9 триллион долларга етиши кутилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг асосий мақсади — қардош давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, туризм, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни илгари суришнинг концептуал асоси 2021 йилнинг ноябрь ойида Истанбул шаҳрида давлат раҳбарларининг 8-саммити якунлари бўйича қабул қилинган “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастуридир.



ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Жорий йилда ЮНЕСКО томонидан улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллик юбилеи дунё миқёсида кенг нишонланмоқда. Бу атоқли ижодкорнинг нафақат қардош халқ, балки жаҳон адабиётининг муаззам сиймоларидан бири сифатида эътироф этилишидан далолат.

Қарор ва ижро

Ҳассос сўз санъаткорининг дилбар шеърлари ва улар асосида яратилган соҳир куй-қўшиқлар ҳар бир ўзбек хонадонига ҳам кириб борган. Уларни хиргойи қилиб кўнглимиз кўтарилади, руҳимиз ором олади. Шу маънода, Махтумқули ўзбекнинг ҳам шоирига айланб кетган, десак, муболага эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев-

нинг 2024 йил 19 февралдаги “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда ҳам ижодкорнинг юбилей санаси кўтаринки руҳда тантана қилинмоқда. Анжуман, семинар, адабий кеча, танлов, спектакллар ва бошқа тадбир-

лар ўтказилмоқда. Ўзбек ва туркман киноижодкорлари томонидан шоир ҳақида ҳамкорликда бадийий фильм сураатга олинди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 11 октябрь куни Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзuidaги халқаро форумда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Президентимиз ўз нутқида ушбу форумнинг ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ҳамжihatлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни бутун дунёга тарғиб қилиш йўли-

ларда улкан амалий қадам бўлишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳрига ташрифи доирасида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган халқаро форум юксак даражада ўтказилгани билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон раҳбари Туркман халқининг миллий етакчисига Махтумқулининг ўзбек тилида нашр

этилган танланган асарлари тўпламини совға қилди.

Атоқли ижодкорнинг юбилей тадбирлари доирасида 6 ноябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида тантанали адабий-маърифий хотира кечаси бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда Махтумқули ижодини янада чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар халқимизнинг нафақат улуғ туркман шоирига, балки унинг сиймосида бутун туркман миллатига улкан меҳр-муҳаббат ифодасидир. Буюк шоир ижоди эса бу азалий ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ж.Р.РАХИМОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Жўрабек Рахимович Рахимов** Хоразм вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эргаш Алибекович Салиев** Жиззах вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н.Т.ТУРСУНОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Нормат Тулқунович Турсунов** Навоий вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Навоий қуйлаган вафо гулини, Туркман ҳам сийламиш очиб кўнглини, Ўзбек ҳам ёд айлар Махтумқулини — Шеъру дostonлари туркман, ўзбекнинг.

Толенинг шу қутлуғ замонлардадир, Боболаринг шони ўғлонлардадир. Бугун жаҳонро, жаҳонлардадир — Сайру жавлонлари туркман, ўзбекнинг.

Оламни лол этган ҳайрати бордир, Саодати бордир, санъати бордир. Кетмас бўлиб келган давлати бордир, Давру давронлари ўзбек, туркманнинг.

